## Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

### «Совет Ўзбекистони» анкетаси

1. Сизнинг коллективингизда, партия ташкилотингизда қайта қуриш қандай боряпти? Унинг дастлабки босқичи қандай якунланди?

2. Янгича ишлаш тажрибаларидан қайси бирлари диққатга сазовор ва уни қандай кенг ёйса бўлади?

3. Сизнингча, қайта қуришга нималар халақит беряпти? Қайси ишда ҳали ҳам турғунлик ҳукм сурмоқда?

**Анкета саволларига «Туямуюнгидрострой» бошқармаси партия комитети секретари Қувондиқ Каримов жавоб беради. У меҳнат фаолиятини 1974 йилда Туямўйинда қурилиш мастери вазифасида ишлашдан бошлаган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тамомлаган. Инженер, ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи, Қизилқум механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1981 йилдан КПСС сафида.**

# ҚАТЪИЯТ, ДАДИЛЛИК КЕРАК



1. Мамлакатнинг ҳамма жойида бўлгани сингари Туямўйинда ҳам янгиланиш, туб бурилиш даврининг нафаси кезмоқда. Олти минг кишидан иборат интернационал коллективимизда 30 дан ортиқ миллат вакиллари меҳнат қилмоқдалар. 15 та цех партия ташкилоти ва 26 та партия группаси ўз сафларига 422 коммунистни бирлаштирган. Уларнинг иш услубини янгилаш, хўжаликка партиявий раҳбарликни такомиллаштириш, идеологик ишнинг самарадорлигини ошириш партия комитетининг диққат марказига олинган. Қайта қуриш ғояларини ҳар бир қурувчи онгига етказиш, айни вақтда ғояларни реалликка айлантириш, белгиланган режаларни рўёбга чиқариш йўлида астойдил кураш олиб боряпмиз.

Қисқа вақт ичида том маънода катта ўзгаришлар юз берди. Аввало, одамларда меҳнатга, ижтимоий бурчга муносабат ўзгарди. Инсон омилининг роли, ҳалол меҳнатнинг қадри ошди. «Ура-ура»лар, тантанабозлик, шовқин-сурон камайди, ўзаро талабчанлик, ишнинг ҳақиқий аҳволини баҳолашда холислик қарор топди. Камчиликларни очиқчасига айтишга, ошкораликка ўргандик, демократиялаш заминида оддий кишиларнинг активлиги, ташаббускорлиги ривожланмоқда

Партия ташкилоти фаолиятида расмиятчилик, қоғозбозлик барҳам топмоқда. Кун оша мажлислар, узундан-узоқ маърузалардан воз кечиб, конкрет ташкилотчилик иши билан, кишилар орасида жонли тарбиявий иш олиб бориш билан шуғулланяпмиз. Партия йиғилишлари планли, ишчанлик вазиятида ўтмоқда, ижро интизомини мустаҳкамлашга, сўз билан иш бирлигини таъминлашга жиддий аҳамият бермоқдамиз.

Янгича ишлашнинг илк самаралари тўғрисида гапирар эканмиз, қурилишни жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муайян ютуқлар қўлга киритилганлигини қайд қилиб ўтмоқ керак.

Баъзи рақамларни келтирмоқчиман. Туямўйин бунёдкорлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятни 1 ноябргача адо этишди. Ўтган йили планда белгиланган 44,9 миллион сўмлик ўрнига 47,8 миллион сўмлик ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, 4 та сув омбори обиҳаёт тўплашга тайёр ҳолга келтирилди. Улар умуман 8 миллиард кубометр, шу жумладан 5,3 миллиард кубометр фойдали ҳажмда сув тўплаш қувватига эга. 25 та гидротехник иншоот ишга туширилиб, 13 минг гектар ернинг сув билан таъминланиши яхшиланди.

Социал программани изчиллик билан амалга ошириш қайта қуришнинг таркибий қисми. Бу жабҳада баъзи ишлар қилинди. 19,4 минг квадрат метр турар-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2264 ўринли мактаб, 90 ўринли болалар боғчаси, 360 ўринли поликлиника ишга туширилди.

Олдинги бўлинмалар, участкалар ва бригадалар Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунгача беш йилликнинг уч йили марраларини эгаллашга аҳд қилиб, социалистик мусобақада олдинги сафларда бормоқдалар. Булар — Саъдулла Жумабоев, Бекжон Ганжаев бошлиқ участкалар, Сафарбой Отажонов бошлиқ бульдозерчилар, Полина Чистякова бошлиқ пардозловчилар, Ёқуббой Қурбонов, Дурди Ўринов бошлиқ комплекс бригадалардир. Олдингиларга тенглашиш, ташаббус ва янгиликка кенг уфқлар очиб бериш ишни янада жадалроқ олдинга силжитишга ёрдам беради.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленумида қайд этилганидек, қайта қуришнинг дастлабки босқичида эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш, ибратли тажрибаларни кенг ёйиш умумий ишимиз учун манфаатли эканлиги шубҳасиз. Кези келганда битта мулоҳазани баён қилмоқчиман. Кейинги пайтларда танқид бобида баъзан ҳаддан ошиш, қусур-нуқсонларни бўрттириб кўрсатишга мойиллик сезиляпти. Бу билан танқиднинг ролини камситмоқчи эмасман. Ҳаққоний, принципиал танқид бизга сув билан ҳаводек зарур. Айтмоқчиманки, ижобий ўзгаришлар ва илғор тажрибаларни илғаб олиш, кенг оммалаштириш ҳам муҳим эканлигини ҳам унутмаслик керак.

Партия комитетининг иш услуби ва методлари янгиланяпти. Илгари партия йиғилишларида асосан хўжалик масалалари кўриларди, бир хил қолипдаги юзаки қарорлар қабул қилинарди. Энди вазият ўзгарди. Партиявий-ташкилий, ғоявий-тарбиявий ишларга оид конкрет масалалар, қайта қуришнинг актуал вазифалари кун тартибига киритиляпти. Масалани тайёрлашда партком аъзолари, коммунистлар актив иштирок этишади. Олдиндан белгиланган нотиқларнинг тайёр текстни ўқиб беришига чек қўйилди, муҳокама ошкоралик, ишчанлик руҳида ўтади, ҳар ким дилидагини тортинмасдан айтади. Қарорларнинг бажарилиши, бирон тадбирнинг ҳам қоғозда қолмаслиги доимий назоратда туради.

Социалистик мусобақани ташкил этишда расмиятчиликка хотима берилди. Мажбуриятлар реал бўлиши, иш якунлари қурувчилар иштирокида таҳлил қилиниб, кимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бамаслаҳат ҳал этилиши мусобақанинг таъсирчанлигини оширмоқда.

Коммунистларнинг, ўрта звено кадрларининг сиёсий ўқиши, малака ошириши, иқтисодий билимларни эгаллаши партия комитети фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Олинган билимни ҳаётга ким қандай татбиқ этаётганлиги ҳисобга олиб борилади. Жамоатчилик асосида уч ўринда сиёсий маориф кабинети, икки ўринда ижтимоий-сиёсий марказ ташкил этилган. Оммавий-сиёсий ишлар қурилиш объектларига кўчирилганлиги яхши самара бермоқда.

Ташкилотчилик ва сиёсий ишни қайта қуриш даври талаби даражасига кўтариш учун тўпланган тажрибаларни бойитиш, тинмай изланиш, бошқалардан кўп нарсани ўрганиш зарурлигини тушуниб турибмиз. Партиявий иш—ижодий ишдир, уни доимо такомиллаштириб боришимиз лозим.

3. Ишни олға силжитишга тўғаноқ бўлаётган, қайта қуришга халақит бераётган бир нарсага эътиборни жалб қилишни истардим. Бу — янгиликни жорий этишдаги сусткашлик, ҳал қилувчи пайтларда иккиланиш ва пассивликдир.

Битта мисол: бошқарма бўлинмаларидаги 87 та бригададан 33 таси хўжалик юритишнинг янги системасига ўтди, бригада пудрати методи афзаллиги тажрибада исботланди. Шунга қарамай кўпчилик бригадалар меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усулини жорий этишни кейинга сурмоқдалар. Чамаси, янгиликка йўл очишда собитқадамлик, дадиллик етишмаётир. Бундай ҳолларга кескин зарба берилиши зарур.

Интизомсизлик, хўжасизлик, ичкиликбозлик каби салбий ҳодисаларга лоқайдлик, хато ва нуқсонларга муросасозлик олға томон ҳаракатимизни тезлатишга халақит беради. Пайвандчилар бригадири С. Цойни хўжасизлик учун, участка бошлиғи Р. Эгамбердиевни ичкиликка ружу қўйганлиги учун партия йиғилишида муҳокама қилганимизда уларнинг номуносиб қилмишларига принципиал баҳо берганлигимизнинг боиси ҳам шу. Бу принципиаллик, ўзаро талабчанлик оддий коммунистларнинг сўзларида ўз ифодасини топганлиги диққатга сазовордир.

Эътироф қилиш кераккi, сансалорлик ва расмиятчилик фактлари етилган масалаларни ўз вақтида ҳал этишга салбий таъсир қилмоқда. Қурилишда индустриал методларни, хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашни жорий қилиш кечикаётир, социал ривожланиш программасини амалга ошириш, қурувчилар эҳтиёжини қондиришда жиддий камчиликлар ҳукм сурмоқда.

«Олма пиш, оғзимга туш» деган кайфият билан ҳеч нарсани қўлга киритиб бўлмайди. Ҳаракат қилиш, излаш ва топиш керак. Синалмаган йўлдан шахдам қадамлар билан олдинга бориш, янглишишлардан қўрқмаслик, қийинчиликлардан чўчимаслик ҳар биримиздан сабот, қатъият талаб этмоқда. Қайта қуришнинг янги босқичи —ҳаммамиз учун катта имтиҳон. Бу имтиҳондан муваффақиятли ўтиш муқаддас бурчимиздир.

## Кадрлар ўқуви

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги кадрлар малакасини ошириш институтида тингловчиларнинг навбатдаги группаси ўқишни тамомлади. Группа составида Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раҳбарлари, область ижроия комитетларининг раислари, область молия бошқармаларининг бошлиқлари, шунингдек республика министрликлари ҳамда идоралари бошқармалари ва бўлимларининг раҳбарлари бор.

Ўқиш жараёнида хўжаликни бошқариш, молия-кредит системаси, фан ва техникани ривожлантиришнинг энг муҳим проблемалари кўриб чиқилди. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги қонунни қўлланиш, кооперативларни ташкил қилиш ва уларнинг ишлаши практикаси, қайта қуришнинг бошқа социал жиҳатлари батафсил ўрганилди.

Тингловчилар Тошкентдаги бир қанча корхоналарнинг — экскаватор заводи, Ташметрострой, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, кўзгу-мебель фабрикасининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти тажрибаси билан танишдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. В. Судаpermissions

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. В. Судаpенков, С. У. Султонова, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари тингловчилар ҳузурида лекциялар ўқидилар.

«Экономикани бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш» мавзусида якунловчи илмий-амалий конференция ўтказилди.

(ЎзТАГ).

## ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИ ҲУЖУМКОРЛИК РУҲИДА БЎЛСИН

Жамиятимизнинг иқтисодий ва социал турмушини қайта қуришдан иборат кенг миқёсли вазифалар идеология ходимлари олдига юксак талаблар қўймоқда. Бундай шароитда лекция пропагандасининг роли ҳам кучаймоқда. Лекция пропагандаси янги иқтисодий ва сиёсий тафаккурни шакллантириши лозим, деб таъкидланди Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениесининг 6 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган пленумида.

Республика «Билим» жамияти правлениесининг раиси, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси П. Қ. Ҳабибуллаев жамият шаҳар ва район ташкилотлари ишини қайта қуриш тўғрисида доклад қилди.

Пленумда айтиб ўтилганидек, республика «Билим» жамиятининг ташкилотлари ўз ишини қайта қуриш ва унинг самарадорлигини ошириш йўлидаги дастлабки қадамларнигина қўйди. «Билим» жамияти кўпчилик ташкилотларининг фаолияти замон талабларига, М. С. Горбачев матбуот ходимлари ва идеология муассасаларининг раҳбарлари билан учрашувда ўртага қўйган вазифаларга ҳали мувофиқ эмас. Мана шу муҳим соҳадаги ишларнинг аҳволи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленумининг минбаридан кескин танқид қилинди.

Оғзаки пропаганда қайта қуриш ва жадаллаштириш вазифалари билан яхши боғланмаган, эскириб қолган форма ва услублар асирида қолмоқда. Олимлар, йирик мутахассислар лекция ишига дуруст жалб этилмаяптилар.

Пленум қатнашчилари лекция пропагандасини ташкил қилишни анча яхшилашга, унинг илмий савияси ва самарадорлигини оширишга қаратилган конкрет таклифларни киритдилар. Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениесининг ҳамда шаҳар ва район ташкилотларининг ишида қайд этиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Пленумда республика «Билим» жамияти шаҳар ва район ташкилотлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунлари чиқарилди, 1988 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

Жамият правлениесининг янги аъзолари сайланди. Ю. А. Вуколов, С. Н. Усмонов республика «Билим» жамияти правлениеси раисининг ўринбосарлари қилиб сайландилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Бутуниттифоқ «Билим» жамияти бўлимининг раҳбари В. А. Воинов нутқ сўзладилар.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси И. И. Искандаров қатнашди.

(ЎзТАГ).

## ҲИНДИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР

Ҳиндистон ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари К. П. Ш. Менон бошчилигидаги шу министрлик делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Делегация Москвада бўлиб ўтган Совет — Ҳиндистон сиёсий маслаҳатлашувлари тугаганидан кейин Тошкентга келди.

Меҳмонлар республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, улар Самарқанд ва Бухорога ҳам борадилар.

6 февраль куни Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. Қ. Қурбонов К. П. Ш. Менон бошчилигидаги Ҳиндистон ташқи ишлар министрлигининг делегациясини қабул қилди.

Суҳбатда Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Й. Кумар қатнашди.

(ЎзТАГ).

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва комсомол органларида самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг биринчи ўринбосари ўртоқ Ўткир Обидович **Зокиров**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

# «Совет Ўзбекистони»нинг 20.000-сони

## Оддий кишилар нафаси

Газета ҳаётимизнинг ажралмас ҳамроҳига айланган. Ишдан келгач, албатта, қўлимизга газета оламиз. Айниқса қайта қуриш даврида матбуот саҳифаларидаги ўткир, долзарб мақолаларни ўқимасдан яшаш мушкил. «Совет Ўзбекистони» газетасининг ҳар бир сонида биз, ишчилар учун ҳам зарур бўлган мақолалар бор.

Аммо ҳали ҳам ўзимизни қизиқтираётган барча масалаларга матбуот саҳифаларидан тўла жавоб топяпмиз, дея олмаймиз. Масалан, хўжалик ҳисоби муаммолари чуқур ёритилмаяпти. Унинг ҳал этилмаган проблемалари, ечилмаган чигалликлари хусусида батафсил ёзиш зарур.

Республикамизнинг етакчи газетаси — «Совет Ўзбекистони» маънавият масалаларига кўпроқ эътибор қаратишини истар эдим. Масалан, аксарият ишчилар ўз манфаатларини ўйлайдилар. Ҳамма нарса пул билан чақиладиган бўлиб қолди. Тўғри, пул керак. Лекин инсонийлик, одамгарчилик сингари жуда кўп хислатлар ундан устун туради.

Олдин лифт кабиналари йиғувчилари битта бригадада ишлашарди. Янги шароитда бригада иккига бўлинди. Иш салмоғи ва ишчилар сони кўпайди. Аммо маош бироз камайди. Кўпчилик дарров норози бўлди. Бояги хислатлар ўрнини гина-кудурат, қўл учида ишлаш кайфияти эгаллади. Ваҳолонки, яхшироқ меҳнат қилинса, пировард натижа яхшиланиб, манфаатдорлик яна ҳам ошиши мумкин эди... Газетада мешчанликка қарши мақолалар берилишини истайман. Айни пайтда танқидий чиқишлар натижаси ҳақида қайғурмоқ керак.

Яна бир истак, газетадан оддий кишилар нафаси уфуриб турсин. Дастгоҳлар ёнида, минорали ва кўтарма кранлар ёнида, дала ва фермаларда ҳалол меҳнат қилаётган бунёдкорлар ҳақида, уларнинг оилавий турмуши, қувонч ва ташвишлари ҳақида материаллар кўпроқ босилсин, дейман.

**Ш. ТОИРОВ,**
**Самарқанд лифтсозлик заводи ишчиси.**

## Таъсирчан сўз билан

Мана, қарийб эллик йилдирки, шу газетанинг доимий ўқувчисиман. «Совет Ўзбекистони» — республикамиз ҳаётининг ойнаси.

Марказий Фарғона чўлларига дастлабки ҳужум бошланган кезлари чўл бағридан барханлар ўрнида 70 гектар ер ўзлаштириб, чўлқуварлар бригадаси тузган эдик. Ҳозир мана шу ерлар 25—30 центнердан пахта беради. Ўша йиллари «Қизил Ўзбекистон» Марказий Фарғонанинг ўзлаштирилишига бағишлаб жуда кўплаб материаллар берарди. Чўлқуварлар турмуши, меҳнатига оид очерк, публицистик мақола ёки оддий хабарлар газетанинг деярли ҳар бир сонида босилар, бу эса табиийки, бизларни янги меҳнат ғалабалари сари илҳомлантирарди.

Орадан анча йиллар ўтди. Марказий Фарғона чўллари деярли ўзлаштириб бўлинди. Аммо бу чўл ерларда пахта етиштириш билан боғлиқ проблемаларнинг ҳаммаси ҳал бўлди, дегани эмас, албатта. Вақт янги муаммоларни келтириб чиқарди. Ўз вақтида «чўлни сайёр бригадалар билан ўзлаштириш мумкин», деган фикр етакчи бўлгани учун чўлда турар жой бинолари, социал-маиший объектлар қурилмаган эди. Эндиликда бунинг жабрини тортяпмиз. Энг ёмони алмашлаб экишга риоя қилинмаслиги оқибатида ерлар ишдан чиқиб қолди. Тупроқнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди. Ер захлаб кетди, зовурлар қазишга эътибор кам. Алмашлаб экишнинг пахта — беда — пахта усули ҳақида кўп гапириляпти. Аммо пахта — шоли — пахта усули тилга олинмайди. Ваҳолонки чўл ерлари шароитида ернинг шўрини бир-икки йил шоли экиб яхшилаб ювиш мумкин.

Кейинги йилларда «Совет Ўзбекистони»да Қарши, Жиззах, Бухорода катта чўл массивлари ўзлаштирилганлиги ҳақида хабарлар, мақолаларни кўп ўқияпмиз-у, аммо у ердаги чўлқуварларнинг бугунги ташвишлари, муаммолари, илғор тажрибалари ҳақида кам биламиз. Ўзимизнинг Марказий Фарғона чўлларини уч область — Андижон, Фарғона ва Наманган деҳқонлари ўзлаштирган. Марказий Фарғонанинг бугунги проблемаларини шу уч область ташкилотлари, мутахассислари, деҳқонларининг ўзаро ҳамкорлигисиз ҳал этиб бўлмайди. Бунга газетанинг таъсирчан сўзи катта ёрдам бериши мумкин. Мана шу регионга оид умумий муаммолар ҳақида эса менимча «Совет Ўзбекистони»да ёзилса, уларнинг ҳал этилиши тезлашарди.

**С. ТЎХТАСИНОВ,**
**Бағдод районидаги «Пахтакор» колхози қўриқ агроучасткаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**

*• Газетхон истаклари*

## Нур устига нур

Газетанинг номи «Қизил Ўзбекистон» пайтида ҳам уни ўқирдим. Ҳозир ҳам у мен учун доимий ҳамроҳ, ҳамнафас. Уни республикамиз, халқимиз ҳаётининг кўзгуси, йилномаси дегим келади. Улуғ Ватан уруши йилларида газета халқимизнинг қардошларча дўстлиги, республикамиз меҳнаткашларининг фронт ортидаги фидокорона меҳнати, душман билан курашларда мардлик ва матонат кўрсатаётган жангчиларнинг жасоратини ёритди.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида қайта қуриш давом этаётган бугунги кунда газета саҳифаларида ана шу долзарб мавзу ёритиляпти. Меҳнаткашлар ўз дилларидаги гапларни очиқчасига, рўй-рост баён этишяпти.

Бугунги қутлуғ сана арафасида ўзимнинг баъзи истакларимни айтиб ўтмоқчиман. Газета саҳифаларида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида, кекса авлоднинг жанговар анъаналари руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган материалларга янада кенгроқ ўрин берилса, меҳнат ва уруш ветеранларининг фаолияти ҳам атрофлича ёритилса нур устига аъло нур бўлар эди.

**Б. СИРОЖИДДИНОВ,**
**истеъфодаги генерал-лейтенант, Уруш ва меҳнат ветеранлари Тошкент область кенгаши раисининг ўринбосари.**

## Фахрли бурчимиз

Мактаб ислоҳоти ёшларга фан асосларини чуқурроқ ўргатиш билан бирга, уларда социалистик жамият аъзоларига хос ахлоқий фазилатларни шакллантиришни кўзда тутади. Ҳозир таълимнинг моддий базасини, унинг ҳаёт билан боғланишини мустаҳкамлаш борасида ишлар қилинмоқда. Урганч шаҳридаги оталиқ корхоналари ва ташкилотлари ўқувчиларни иш ўрни билан таъминлаш, мактабларда амалий машғулот ўтказиш учун шароит яратишда амалга оширган ишлар диққатга сазовордир.

Газета ҳаёт кўзгуси. Афсуски, «Совет Ўзбекистони» газетасида ислоҳот борасидаги муаммолар етарли ва чуқур ёритилмаётир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган пленумида мактаб ислоҳоти карахт ҳолда эканлиги очиқ-ойдин айтилди. Биз газета саҳифаларида ана шундай мактаблар фаолиятини жиддий танқид қилиш, иш услубини такомиллаштириш, ўқитувчилар обрўсини кўтариш билан бирга, илғор тажрибаларни оммалаштириш ҳақидаги мақолаларни ўқишни истаймиз.

Ўлкамизнинг табиат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳар бир ўқувчи яхши билмоғи керак. Бунинг учун саёҳатлар ва туристик юришлар уюштириб туриш лозим. Бизнингча, қардош республикаларга, қўшни эл-элатларга сафарлар ташкил этиш, пионер ва ўқувчиларнинг ўзаро алоқа ўрнатишларига кўмаклашиш, меҳнат коллективларидаги учрашувларга ўқувчиларни таклиф этиш интернационал тарбияни кучайтиришга ёрдам беради. Бу борада биз газетадан катта мадад кутамиз.

**С. ОЛЛОБЕРГАНОВ,**
**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, пенсионер.**



*

## Қабулхона жонкуярлари

Ҳар қандай матбуот органи кенг жамоатчиликнинг яқин ёрдамига таянмас экан, омманинг ақл-идрокидан баҳра олмас экан, партия томонидан қўйилаётган катта вазифаларни муваффақиятли бажара олмайди. Коммунистик партиямиз матбуотда жамоатчилик асосларини янада ривожлантириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқда. Мана, кўп йиллардан бери «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси қошида беш кишидан иборат жамоатчилик қабулхонаси ишлаб турибди.

Қабулхона ходимлари ҳар куни меҳнаткашларни қабул қилиб, уларнинг ариза ва шикоятларига, таклиф ва истакларига қулоқ соладилар, хатларда кўтарилган масалаларни ҳал этишда ёрдам берадилар. Газетамиз таянчи бўлган қабулхона ходимлари жойларда тез-тез бўлиб, партия, совет, хўжалик раҳбарлари билан гаплашиб, гражданларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришда жонкуярлик, ишбилармонлик ва принципиаллик кўрсатмоқдалар, Айниқса, кекса журналист, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими К. Юмаева, ветеран журналист Т. Рустамов, тажрибали юрист К. Комилов, кекса матбаачи А. Набихўжаевларнинг хизмати катта бўлмоқда.

**СУРАТДА: редакциямиз қабулхонаси ходими, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуфаттоҳ Набихўжаев навбатдаги арзчи билан суҳбатлашмоқда.**

**В. Молгачев фотоси.**

*

